
Бешариқ туманида навбатдаги сайёр қабул

Фарғона вилояти суди раисининг ўринбосари Б.Вахобов бошчилигидаги вилоят судининг судьялари, ҳудуддаги туманлараро ва туман судларининг раислари Бешариқ туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади.

Фуқароларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, тадбиркорлик фаолияти, фуқаролик ва оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид масала ва мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилланаётган мазкур сайёр қабул **2022 йил 16 июль, шанба куни соат 09:00 дан бошлаб “Ариқбоши” маҳалла фуқаролар йиғини биносида** ташкил этилади.

Сайёр қабулда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар қабул кунига қадар тумандаги Халқ қабулхонаси ёки жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

☎**Мурожаат учун телефонлар: 73-612-24-05, 73-612-20-73**

2022-07-06 22:39:14